

Наср

ҚАТРАЛАР
гул

Гул чиндан ҳам чиройли эди. Айниқса, юзидаги бир-икки томчи шудринг сахар кўеши нурида чарахлаб, болани ўзига ром этган эди. Анча вақт томоша қилиб турди. Гулни юлмоқчи бўлиб ўшлади. Шудринлар дувва тўкилди.

Ота боланинг ишига кўзи тушиб, тўхтатди.
— Кўй, ўғлим, уни юлма...
— Юлман, — деди ўжарлик билан бола, — қаранг, қанақа чиройли.

— Юлма, — тақдорлади ота, — сенинг онангни тортиб олишса, нима бўлади? — Бола отасига анграйиб қолди! Онасининг йўқ бўлиб қолиши тасавурига сиғмади.

— Агар ойм бўлмаса, ким оқат беради менга? — деди у, — кейин озби кичкина бўлиб кетаманку!

— Гул ҳам шунақа, — деди ота, — уни ўз шохидан жудо қилсанг ҳалок бўлади. Кўй, очилиб тураверсин. Сен томоша қил, хўпми?

Бола бош иргиди. Ҳатто ўртоқларини бошлаб келиб, чиройли гулни кўрсатди уларга. Биттаси уни узмоқчи бўлиб қўл чўзганди, бола қайтарди.

— Кўй, узма, — деди билагонлик қилиб, — уни шохидан ажратсанг ўлиб қолади. Дадам айтдиладар. Келиб, томоша қилавер, хўпми. Сира ҳам сени уришмайман.

МАЙСАЛАР

Улар худди яшил гиламга ўхшарди. Шўнчалар кўркам эдики, қадам босгиси келмасди кишининг. Кўзларинга зий бағишлаб, ястаниб ётарди майсазорлар. Шунда беихтиёр ўйлайсан: бутун ер юзи шунақа майсалар билан қопланса... Олам худди яшил рангга бўяб қўйилгандек бўлса. Тепангда зангори, шишадек тиник осмон. Ерда майсазор гилам. Энтики-кетасан шунда.

Майсазордан баҳра олиб роҳатда ўтирсан, бир киши ўтиб қолди:

— Ҳа, ўтирибсанми? — деди у қилиб, — нега ўтларга тикиласан-а? Ўтда булар... Эҳ, сизгиримни сотиб юбордим-да...

У майсазорни босиб-янчиб юриб кетди. Назаримда у гўзалликни эзгилаб, ҳар қадамга жоиликни экиб бораётган-дек эди.

НИХОЛ

Нихолни бу йил экишди. Жуда авайлаб олиб келишди, чўқурча қавлашди, сув қўйишди, ўғит солишди. Кейин экиб қўйишди. Битта ўзимман деб ўйловди, йўқ беш-олти қадам нарида ошнолари талайгина экан. Сал енгил тортиди: улар нима бўлса бу ҳам шуда!

Кейин ёмғир ёғди. Совуқ томчилар уни обдон жунжиктирди. Ўзиям эзиб ёғди-да! Нихот у ҳам тинди. Қўёш чиқди. Нихол атрофига қаради: вой, ер кўм-кўк гилёларга тўлиб кетибдику! Гўё ёмғир атайлаб уларни осмондан олиб тушгандек.

Энди қўёш роса қиздирди. Нихолнинг танасига қон югурди. Шохларидан яшил баргчалар отилиб чиқди. Ҳа-хув де-гунча япроқлар шамолда селкилаб қолишди.

— Энди бўлди, — ўйлади нихол, — жуда ўсиб кетсам керак.

У хато ўйлаган экан. Ёмғирнинг нами тугаб, сувсая бошлади. Лекин биров унинг додини эшитмади. Нихол мадордан кетди.

— Сув беришмас экан, нега бу ерга олиб келишди, — ўйлади у ҳолсизланиб. — Эҳ, маза қилиб яшаётгудим қўчтонда.

Билмади, орадан қанча вақт кечди, бир мўйсифид ўтиб қолди.

— Вой бечора-я, — ачинди у, — парвариш қилмас экан-санлар нима қилардиларинг экиб!

Мўйсифид инқилаб-синқилаб сув олиб келди. Нихол сувнинг шилдирашини элас-элас эшитди. «Тўш қўрагман, шекилли, — ўйлади у, — аттанг, ҳаёт мен ўйлаганчалик эмас экан».

Мўйсифид эса ўзининг ёшлик дамланини эслаб, нихолларга сув қуярди...

ЧИНОР

Уни ҳар кўни кўраман. Басавлат, таналари гадир-будур. Худди тўқсондан ошган онанинг юзидagi ажинлардек қатма-қат. Остида темир тахтача, унда ёзув: «Платан восточный, охраняется...» Ажабо, деб ўйлардим аввал, шарқонаси қанақаси бўлди?! Чинор чинорда! Азамат, ўктам!

Аваллари шохлари тарвакйлаган, бир ховлича сояси бор эди. Кейинроқ халақит беряпти деб шохларини бирма-бир кесилди. Лекин чинор чидади. Кейин шохларини буташди. Ҳозир аввалги савлатининг тўртдан бири қолган. Кесилмавериб, ўрни битиб кетган танаси ҳали ҳам азамат. Шохлари энди бир гиламча жойга зўрга соя ташлайди. Олдидаги темир тахтачаси ҳам йўқ...

Назаримда у тақдир қўмига ташлаб қўйилган пахлавонга ўхшарди. Тақдир ҳар лаҳза унинг тепасига от ўйнатиб, ҳали совуқ, ҳали иссиқ, ҳали дўл, ҳали шамолни бошлаб келади. Чинор бўлса қилт этмайди. Билади, йиллар ўтган сари қувватдан қояпти. Лекин бўш келмаяпти. Худди ўлимни мардона кутаётган жангчининг худди ўзи.

Ҳар кўни унинг олдидаман ўтаман. Гўё у менга: «Ҳаёт шунақа, бўш келма», дейётгандек бўлади.

Шунақа, яшасанг мана шу чинордек яшасанг. Баъзиларга ўхшаб чекинмасанг... Ахир, яшадан мақсад шун эмасми?

Ҳали МИРЗО.

Бир зукко киши ўғлининг бошини икки қилиб қўймоқчи бўлибди. Маҳаллаларга бориб кимнинг бўйи етган қизи борлигини сўраб-суриштирибди. Одамлар унга уч-тўрт хонадонни айтишди. Зукко киши ўша хонадонларнинг эшигини излаб борибди. Не кўз билан кўрсинки кўча билан битта бўлиб ахлатлар сочилиб ётганими. Зукко киши бош чайқаб, кейинги хонадонга борибди. У ерда ҳам шу аҳвол эмиш. Хуллас, зукко киши юриб-юриб бир эшик олдида тўхтабди.

Йўлқалар, ҳақрағалар чинидай тоза, худди гард юкмаган-дек экан. Зукко киши ҳушуд бўлиб, эшик эулифини қокбиди. Уни кўркам, мулоим чехрали уй соҳиби қутиб олибди. Зукко киши ховлига назар ташлабди: ҳаммаёқ ораста, покиза экан.

— Хуш кўрдик, меҳмон, — дебди уй соҳиби.

Зукко киши покизаликка ишора қилиб:

— Хавасим келди уй тутишингизга. Қандай қиласизлар, бир мисол ҳам чиқинди йўқ-а? — деб сўрабди.

— Қаловини топса қор ёнади, меҳмон, — дебди уй соҳиби, — лекин ташрифингизнинг сабаби бу эмас, назаримда.

Хуллас, зукко киши бу хонадонга келишнинг боисини айтибди. Тақдир бўлиб шу озода хонадоннинг кўзини келинликка олибди...

Озодагарчилик, покизалик ҳақида ибратли ҳикоятлар жуда кўп. Чиндан ҳам халқимиз ўзининг саражон-саришталиги, табиатсеварлиги билан ибрат бўлулгидир.

Табиатни севиш энг оддий қилиб айтганда, уйдаги бир тул гулни парваришладан, бир парчагина ериб олоб қилишдан, покиза, тозаликдан бошланади. Болалгимизни бир эслайлик...



Фавворалар шовуллар, гулзорда гул ловулар.



Кўн қизигида муздек сув жонга оромдир.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Атмосфера юнонча икки сўздан («атмо» — нафас, «сфера» — шар) иборат. Демак, атмосфера одамнинг нафас олиш манбаи дегани.

Чиндан ҳам ҳаво — инсониятни ўраб турган муҳитнинг муҳим унсурларидан биридир. Ҳаво таркибидagi кислород инсон нафаси, демак ҳаёти учун нихотда зарурдир. Ҳаво бор экан ер юзидagi ҳайвонот, наботот олами ҳам тирик бўлади.

Қўёш нурлари ер юзини илтидади. Ушбу илтиқ ер юзидан узун тўқинли нурланиш сифатида атмосферада акс этади. Атмосфера эса илтиқини яна ерга қайтариб, уни янада илтидади, ҳаёт бахш этади. Агар атмосфера ҳавоси бўлмаганда ер юзи кечаси ва қишда нихотда совуқ кетарди,

ёзда ва кундузи эса қўёш нурлари туфайли қаттиқ қизиб кетарди.

Атмосфера ҳавоси бизни метеоритлар ёмиридан ҳам ҳимоя қилади. Шиддат билан атмосферага кирган турли ҳаждаги мете-

тирик ҳужайралар сарф этган бир тонна кислород ўрнига яшил посбонлар олти тонна ҳаёт манбаи ишлаб чиқаради.

Кислород ишлаб чиқаришдаги ёнилғиларнинг ёниши учун ҳам зарур. Ҳар йили 10 мил-

Яшил бойлик

ҲАВОСИ — ДАВО

ритлар қаттиқ ишқаланиш натижасида ёниб кетади.

Ҳаводаги, ер юзидagi ҳаёт учун зарур бўлган кислород салкам 21 фоизни ташкил этади. Бу рақам ўзгармасдир. Сабаби яшил ўсимликлар, денгиз уммонлардаги сув ости ўсимликлари углерод ютиб, ўзидан кислород чиқаради. Кислород жуда катта миқдорда сарф бўлади:

лиард тоннага яқин ёнилғи ишлатилади. Унга 27 миллиард тонна кислород сарф бўлади. 2000 йилгача сарф бўладиган ёнилғи 18 миллиард тоннага етилиш кутилмоқда. Демак, шунга яраша кислород сарфи ҳам 48 миллиард тоннага етади. Яшил ўсимликлар — дархатлар буталар эса йилга 60 миллиард тонна кислород «тайёрлашади». Аср охирида кислород

сарфи ва ишлаб чиқарилиши тенглашиб қолиши мумкин.

Шаҳримиздаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари аҳоли зич яшайдиган ҳадаларда жойлашган. Шу сабабли ҳам Тошкентда яшил майдонларни, хибонларни, истироҳат боғларини янада кўпайтиришимиз керак. Иккони борица нихоллар экишимиз зарур. Борларини эса вақтида суғориб, бутаб, парваришлашимиз лозим. Иссижда турли хил зараркунанда ҳашаротлар кўпайиб кетади. Бу ўз навбатида кўплаб дов-дархатларнинг нобуд бўлишига олиб келади. Демак, дархатларга вақтида кимёвий моддалар билан ишлов бериш ҳам зарур. Биргина Микробод туманида уч юзта қуриган дархатлар борлиги аниқланди. Уларнинг вақтида кесиб, ўрнига янгиларни экишимиз шарт.

Қим ФАТТОХОВ,
Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қўмитасининг назоратчиси.



№ 4 (65) Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қўмитасининг саҳифаси

Таълим

ҲАЁТ ДАРСИ

Атроф-муҳит муҳофазаси бобида кўпгина юмушлар амалга оширилмоқда. Бунинг таъкидлаган ҳолда шунини айтиш керакки, ҳали кўзда тутилган мақсадларга тўла эришилганимиз йўқ. Сабаби, экологик билимнинг етишмаслиги натижасида биров тузган нарсани биров бузиш ҳоллари учраб турибди.

255-мактабда шаҳар табиати муҳофазаси қўмитаси билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. 1995-96 ўқув йилида мактаб ва қўмита ўртасида шартнома тузилди. Унга қўра шаҳар экологиясини чўқур равишда ўрганишга киришилди. Дарс жадвалига экология фан сифатида киритилди.

Болаларга таниқли табиатшунос олимлар, қўмита назоратчилари келиб дарс ўтишди. Ўқувчилар шаҳарда мавжуд бўлган тозалаш қурилмаларининг фаолияти билан танишдилар, қўмита қол-шидаги лабораторияда бўлиб, сув, ҳаво, тупроқнинг таҳлилини кузатдилар, сувдан, ҳаводан, тупроқдан намуна олишни ўргандилар. Ҳар кўни туманларда иш олиб бораётган назоратчиларнинг фаолиятига ҳам гувоҳ бўлдилар. Улар билан биргаликда корхоналар, ташкилотлар, муассасаларда бўлиб, экологик аҳвол, табиат муҳофазаси

си қандай олиб борилаётгани билан танишдилар. Айниқса, Бектемир туманидаги махсус насос ишлаб чиқарувчи корхона болаларда катта таассурот қолдирди.

Бу ишларнинг ҳаммаси болаларда экологик билимларнинг шаклланиши, уларнинг қалбида табиатга, демак Ватанга меҳр ўйғонишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Демак шунга яраша билимдон, меҳнатсевар, табиатсевар кишилар улғайиши зарур. «Бола бошидан», дейди халқимиз. Биз экологик билимларни қанчалар чўқур бера олсак, болаларимиз шунчалар ватанпарвар бўлиб улғайди.

Экология фан сифатида ҳар бир мактабда, ҳар бир синфда бўлишини хоҳлардим. У дарслар жадвалидан мустаҳкам ўрин олиши шарт.

Ольга ПИКАЛОВА,
255-мактаб ўқитувчиси.

Таҳлил

ВИЖДОН БИЛАН
ЁНДОШИЛСА

Айни пайтда юқорида тилга олганимиз катта-кичик корхоналар, ташкилот ва муассасалар орасида атроф-муҳит, яъни экологиянинг мутаносиблигига зарар етказиб қўйишга ҳам талайгина. Табиатга зарар етказувчи нукталарни бартараф этишда, экологик муҳит аҳволини яхшилашда шаҳар табиати муҳофазаси қўмитаси томонидан йўл-йўриқлар, тавсиялар ишлаб чиқарилади. Корхоналарда улар амалга оширилишига эришиш эса қўзланган мақсадларни беради, албатта. Худди шундай йўл билан «Тошўқимачи» корхонаси, «Тошўқимачи» хиссодорлик жамиятидаги Салорга тушади оқавлар барҳам топди, иккала корхонада айланма сув тизими ишга туширилди.

Туман бўйича ҳавога зарарли, захарли чиқинди чикадиган манбаларнинг ҳаммаси рўйхатга олинди. Йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёрга амал қилган «Садаф», «Тошўқимачи» хиссодорлик жамиятлари, «Кимёвий тозалаш» корхонаси, «Ўзбек-тўқимачилик» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Юнидон» фирмаси, 2-вагон депосидаги натижалар қувончлидир. 1996 йил ҳисоб-китобларини кўриб чиққанмишда ҳавога чиқарилган турли моддалар 1332 тоннани ташкил этди. Бу йўл қўйилган меъёрдан ҳам 458 тонна кам демасдир.

Тошкент иссиқлик-энергетика марказида қозонлари ишлаш тартибига ўзгартириш киришти бора-сидиги тадбир бажарилди. Энди ёқилғилар босқич-босқич ёқилган бўлди. Натижада ҳавога зарарли моддалар чиқиши 1,4 тоннага камайди. Худди шундай «Тошўқимачи» заводиди ЦП-15 ру-

сумидаги 4 та циклон ўрнатилди. Натижа қутулгандан ҳам аъло бўлди: зарарли моддалар 5 тоннага камайди. Қурилиш материаллари комбинатида уч босқичли тозалаш тизими ишга туширилган, чанг-губорлар йилига 10 тоннага камайди. Салор қаналининг тумандан оқиб ўтадиган қисми қирғоқларнинг 80 фоизи бетонлаштирилди.

Маълумки, қўчаларни обodonлаштириш, қўчалар-зорлаштириш, қўчалар экиш, парваришлаш туман обodonлаштириш бошқармаси зиммасига юклатилган. Уларнинг ихтиёридаги 2-«Автом» корхонасидан ажратилган бир неча техника воситалари кунига турли чиқиндиларни олиб кетишда банд бўлади. Туман обodonлаштириш бошқармаси йил бошидан бери қандай юмушларни амалга оширибди? Бунинг аниқлаш учун ўшбу маълумотларга кўз ташлайлик: 162,5 минг квадрат метр майдондаги майсазорлар, гулхоналар тозаланди. 1100 тонна чиқиндилар туман худудидан олиб чиқиб кетилди. 3600 дархат таналари оқланди. 23,5 километр узунликдаги суғориш шох-бичалари тозаланди; шаҳар табиати муҳофазаси қўмитаси билан келишилган ҳолда Усмон Носир, Глинка, Стародубцев, Қўнаев қўчаларидаги, «Систл» боғидаги қуриган, синган 114 тул дархатлар, жумладан, Нукус қўчаси кенгайиши муносабати билан унинг четидagi дархатлар ҳам кесилди.

Тумандаги 19 та корхона ва ташкилотлар қатъий белгиланган жадвал асосида навбатма-навбат хизмат кўрсатмоқда. Айниқса «Тошўқимачи» заводиди, «Тошўқимачи» хиссодорлик жамияти, 2502-автокотлонна, «Ўзқўшмавтотранс» автокорхонаси, «Туркистон», «Конституция», «Тепла» маҳаллалари туман обodonчилигига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Қўч қаватли уйлар, турар жой ҳадаларида чиқиндини олиб кетиш учун шартнома тузган корхона ва ташкилотларда тўпланиб қолган ахлатларни «Махсустрас»нинг 6-автосаройи машиналари олиб кетади. Улар 32 та бўлиб, туман худудини вақтида орасталашга улуғворлаяпти. Олиб кетилган чиқиндиларнинг назорат қилиш ҳамон муаммоларига қолмоқда. Махсус жойларга ташланган чиқиндилар учун ҳайдовчиларга талон берилади. Лекин кўпгина ҳайдовчилар ахлатни ариқлар, каналлар соҳилга, қўздан четроқдаги сайхонликларга ағдариб кетаверишди.

Ижобий натижаларга эришиб, табиатни ҳар жихатдан мусоффо сақлаш учун фидойий бўлишимиз, бу муқаддас ишга виждон билан ёндошимиз шарт. Яққасаройи туманида олиб борилаётган ишлар бу гапимизнинг тўғрилигини яна бир ҳарга тасдиқлайди.

Матлуба УМАРОВА,
Шаҳар АБДУРАХМОНОВ,

Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қўмитаси назоратчиси.

Пўлма

ТАҚИҚНИ
БУЗАЁТГАНЛАР

Маълумки, 15 апрелдан 1 июнгача балиқлар урчидиган даврда уларни тутиш тақиқланган. Лекин шунга қарамай одамлар ўзбошимчилик билан балиқ тутиш ва сотишни давом эттиришмоқда.

Бундай аҳволнинг олдини олиш мақсадида шаҳар ва туман ҳокимликлари, санитария-эпидемиология станцияси, санитария милицияси, бозорлар бошқармаси, ҳаракатдаги транспорт воситаларини назорат қилиш милиция бошқармаси ходимлари билан биргаликда йилгиланш ўтказилди. Унда зарур чора-тадбирлар режаси тузилди. Режа асосида Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қўмитаси назоратчилари, санитария милицияси ва бозорлар бошқармаси ходимлари биргаликда рейдлар ўтказмоқдалар. 28 апрелдан то шу кунгача ўтган давр мобайнида 27 фуқарога 7500 сўм миқдорда жарима солинди. 190 килограмм балиқлар мусо-дара қилинди. Шундан 90 килограмми 23 меҳрибонлик уйига топширилди. Қолган 10 килограмми санитария-эпидемиология станцияси томонидан зарарсизлантирилди.

Нигора ЕКУБОВА.

Табиати муҳофазаси қилиш тадбирларини тўла амалга ошириш — бугунги кун талабидир. Бунда табиатнинг аҳволи, даражаси, уни зарарлаётган манбалар, уларни бартараф этиш устидан назорат муҳим аҳамиятга эга.

Шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси қошида 1990 йилда ташкил этилган махсус аналитик назорат нозирлиги бўлими (МАНН) айнан шу борада фаолият кўрсатади ҳамда шаҳримиз корхоналарида атроф-муҳитни муҳофазаси этиш қўнунчилигига қандай амал қилинаётганини текширади. Салор, Қўнаев, Қўрақамчи каналларидаги сувларнинг ифлосланиш даражаси ҳамда Сергели, Қўнаев, Бектемир, Жанубий ва Қўрай сув саклаш ҳавзаларидаги ичимлик сув сифати мунтазам текшириб борилади.

Бўлимимиз мутахассислари томонидан 1996 йилда 151 та корхона назоратдан ўтказилди. 974 марта синаш учун маҳсулотлар олинди, 6949 марта таҳлил ўтказилди.

Шундан 756 марта сиз ҳа-

Икром

БУГУНГИ
ФОЙДАНИ
УЙЛАМАНГ

вога бағишланди. Таҳлил маълумотларига қўра ҳавога чиқарилиши йўл қўйилган меъёрдан ошиб кетган манбаларда уларга барҳам бериш чоралари қўрилди. Тўзалаш қурилмалари, газ, чанг тозалаш ускуналари мукамил бўлиши учун ҳаракат қилиди. Айланма сув таъминотини йўлга қўйиб, оқова, ишлатилган сувларнинг шаҳар канализациясига ташлан-ишига эришиб чораларини кўрдик. Қонда бузувчи раҳ-барларга нисбатан маъмурий чоралар белгиланди. Ўтган йилларда атроф-муҳит экологиясини бузган корхоналарга жарима солинди, ҳозир эса таҳлил натижаларига қўра йўл қўйилган меъёрдан ошиб кетган ҳолларда тўловлар жорий қилинди.

Қўрилган тадбирларимиз самарасиз кетмаётир. «Шарқ таронаси», «Тошўқимачи», «Ўзтўқимачи», «Ўзбек-гози», «Ўзбеккабел», «Тош-қилқоқ» каби йирик корхоналарда 18 та ифлослан-тирувчи манба йўқотилиши ҳисобига, оқова сувларнинг каналларга ташлиниши 12654,27 минг кубометрга ка-майди. 1991 йилда Салор ка-налига тушган ишлатилган сувлардаги зарарли модда-лар (мис-18, хром-11, нефть маҳсулотлари-8)нинг меъёри-дан ошиши ҳоллари йўл бер-ган бўлса, 1996 йилда эса бу ҳолат бор-йўғи 3 марта қайд этилди, ҳолос. Қўнаев кана-лида ҳам шундай ҳолатни кў-ришимиз мумкин. Улардаги сувда шаҳарга кириверишда турли моддалар юқори, яъни учинчи даражадаги қайд этилса, шаҳар худудидан чи-қиб кетаётганда қўрилган чора-тадбирларимиз натижа-сида нисбатан тозаланиб тур-тинчи даражага етади.

Бу нимани кўрсатади? Бу корхоналар, ташкилотлар та-биатга бағишланган чора-тадбирларини ўз вақтида ба-жарётганининг исботидир. Лекин экологик бузган шун-дай мураккаб вазият пайда-ангидан ташкил этилаётган кичик ва кўша корхоналар ҳақида бундай дейишмиш. Улар булар-булмас сабаблар билан ҳавога ҳам, сувга ҳам зарарли, захарли моддалар-ни чиқариб, табиатга катта зийн етказмоқдалар. Демак, инсон манфаатларига, бугун-ги кун талабига мос туш-майдиган, жавоб беришни-дан ишларга рағбат билди-ролмаймиш. Бугунги фойдан-и ўйлаб, эртага бутун бошли авлод ҳаётига ҳаф солиш қанчалар нохуш эканини ҳар биримиз яхши билишимиз керак. Чўки ўз қобилимизга ўрналиб қолмаслигимиз шарт. Шунинг учун табиатга эҳтиёт-корлик билан, маъсулият бил-ан, оқилана муносабатда бўлишимиз, бир сўз билан айтганда юракдан севишимиз керак. Бу — ҳар кўнги оддий ишмиш, виждоний бурчимиз-га айланishi шарт.

Умид қиламанки, менинг азиз ҳамшаҳарларим Салор, Қўнаев, Қўрақамчи, Қўчи-рик сувларини тоза ҳолга кел-тириш учун жон қуйдирад-илар. Чўки табиатга қўрсат-ган ҳар бир муҳаббатли иш-миш — эзгу орзуимизнинг ушатишдир.

Матлуба АЗИМОВА,
Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қўмитаси махсус аналитик назорат бўлими бошлиғи.

Қайси биримизга оталаримиз, боболаримиз танбех бермаган. Ҳали-ҳали эсимда: қўшимизнинг бир тул қантак ўриги бўларди. Пиш-ганда асал бўлиб кетарди. Қўшимиз унинг тагини сулуриб, сув сеппи, ёғ тушса ялағудек қилиб қўярди. Ўзи саҳий киши эдию лекин пишмағунча ҳеч кимни ўрик ёнига яқинлаштирмасди. Пиш-



Ойнаи жаҳон орқали намоиш этилаётган «Домла» видеофильми кинорежиссёр Юсуф Розиковнинг номини ҳаммага танитди. Лекин у суратга олган «Менинг айбим шу», «Олов қазирдаги фаришта», «Қора мушук нибобиди» бадий фильмлари режиссурасининг ўзига хослиги билан ҳам маълум эди.

— Юсуф ака, кинематографияда иш бошлаганингизда дастлаб бир, икки серияли бадий фильмларни суратга олганингиз. Кейин дадиллик билан, айтиш мумкин, жасорат билан «Домла» кўп серияли видеофильмга кўл урдингиз. Моддий томонларини айтмай қўяйлик...

— Сериалнинг яхши томонлари кўп. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ойнаи жаҳон орқали намоиш этилаётган Мексика, Бразилия кинематографларидан бизнинг қаримиз кам?! Майли, уларда акс этаётган воқеалар бизнинг миллийлигимиз, ўрф-одатларимиздан узоқ бўлин, барибир мухлислари сон-санокисиз-ку! Одамлар севиб томоша қилаётган экан, бунинг асоси бордир.



СЕХРЛИ КУЧ

Мен ҳам ана шундай яхши ниятлар билан иш бошлагандим. Бахони эса халқнинг ўзи беради.

— Сиз видеофильмда бир қанча профессионал актёрлар билан ёнма ён тахрибаси бироз камрок одамларни ҳам ролга қорлагансиз...

— Ҳа, шундай. Гули Икромова — Малика, Дилдора Жўраева ҳамшира ролларини муваффақиятли ижро этишганди. Бунинг ҳеч ажабланидиган жойи йўқ.

— Ҳатто Маликанинг кейинги тақдири қандай кечишини сўраётганлар бор. Уларга нима деб жавоб қайтарасиз?

— Ҳар шайба ва яшанба кўнлари озгина вақтларини аямасдан телевизор қаршида ўтиришса, биллиб олишадилар.

— Ҳадемай навбатдати XII Тошкент халқаро кинофестивали ўз иштини бошлайди. Эшитишимча сиз фестиваль матбуот маркази директори ўринбосари сифатида иш олиб борар экансиз. Айтинг-чи, фестиваль таъкилотчилари ўз олдидан қандай мақсадларни вазифа қилиб қўйишган?

— Фестиваль нафақат кинематографларнинг, балки кенг томошабинлар оmmasининг ҳам байрамига айланади. Инсониятнинг эзгу мақсади — тинчлик, ихтимой тараккут, халқлар озолиги — жаҳондаги барча тараққийпарвар кинематографларнинг ижодида тобора муҳим ўрин олмақда. Бу мақсадни улар қанчалик амалга ошираётганликлари турли мавқеда ўтказилаётган кинофестивалларда кўзга яққол ташланадими.

Юртимизда мустақиллик шароитида халқаро анжуманлар ўтказилишининг ихтимой-сиёсий аҳамияти ниҳоятда катта. Кинонинг энг сеҳрли кучи, менимча, унинг қаҳрамонлари ҳисобланади. Қаҳрамонлар билан учрашув истаги жамиятимизнинг барча қатламларида мансуб турли-туман ёшлардаги кишиларни кинотеатр залларига бошлаб келади, ойнаи жаҳон олдига «михлаб қўяди». Ҳар бир янги фильм — янги одамлар, янги қаҳрамонлар билан мулоқотдир. Биз янги қаҳрамонлар билан бирга ташвиш чекамиз, уларнинг омади ва ғалабаларидан қувонамиз, мушкул ишларни бажаряётганликлари кўриб, юрак ҳовучлаб кузатамиз. Халқаро кинофестивалдан томошабинларимиз ҳам, кинематографлар ҳам хурсанд бўлишадилар деб ўйлайман.

— Кино кино юлдузи деб айта оласиз?

— Бизда истеъдодли санъаткорлар жуда кўп. Уларни бир-бирларидан камситишни хоҳламайдим. Айнаи шу актёр кино юлдузи, деб бирон кишини айтолмайман.

— Кинонинг келажагини қандай тасаввур қиласиз?

— Кино санъати томошабин ҳис-туйғусига таъсир қиладиган ёрқин бадий воситалардан бири ҳисобланади. У санъатнинг энг севилими, машҳур ва оммабоп тури бўлиб келган ва бундай кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Кино одамга хизмат қилмаса ўз-ўзидан назардан қолади. Одамларда санъатга чанқоқлик бўлма-

са, бу ишнинг гуллаб-яшнаши учун замин яратилмайди, деб ўйлайман. Мен ўзимни консерватор деб ҳисоблайман. Компьютер графикаси деган нарсалар киномни ўлдиряпти. Улар киномни мультфильмга айлантириб қўяпти. Менимча кадрда ҳаёт нафаси сезилиб туриши керак. Техник усуллар ҳаётни борлигича беролмайди. Аммо прогресс — ўсишни ҳам тўқтатиб бўлмайди ва мана шу воситаларни одамларга яхшилик учун хизмат қилдириш керак.

— Режиссёр сифатида актёрлардан нимани кўпроқ талаб этасиз?

— Актёрлардан биринчи навбатда дидни талаб этаман. Дунёқараши, санъатнинг меъёрини тушуниши, ҳаётда ўзини тутиши — ҳаммаси дидга киради. Дид асосида истеъдодни юзага чиқариш мумкин. Дид бўлмаса, минг чандон урининг, истеъдод юзага чиқмайди. Дид тушунасига профессионал тартиб ҳам киради.

— Қайси бир актёрларни юксак дидли деб биласиз?

— Хожаикбар Нурматов, Жамшид Зокиров, Бехзод Мухаммаджаримов, Лола Элтоева, Гавҳар Зокирова...

— Сизнинг назарингизда кейинги йилларда қайси бир режиссёрнинг асарини соф ўзбекона суратга олинган?

— Менимча Юсуф Азимовнинг «Тонг отгунча» бадийи фильми миллийликини, қадриятларини ўзига тўлиқ акс эттирган.

— Келажақ режиссарингизни оқшомхонлар билан ўртоқлашсангиз...

— Келажақ режиссарим жуда кўп. Пьеса ёзмоқчиман. Театрда спектакль сахналаштириш ниятидаман. Кинода ҳам фильм яратиш иштиёқимдан. Шу кунларда истеъдодли ёзувчи Эркин Аъзамовнинг «Пийда» номи хўжаси асосида биргаликда сценарий ёзди. Уни Рашид Маликов суратга олишни бошлаяпти.

— Дарҳақиқат, сценарийларингиз ҳусусида нима-лар дея оласиз?

— Ўн бешдан ортиқ сценарийим бор. Улар турли юртларда — Москва, Грузия, Афғонистон, Қирғизистон, Куба кинематографлари томонидан суратга олинган. Ҳатто илган ёзувчи Габриел Гарсиа Маркес сценарийимга тузатишлар киритган нусхаси бисотимда сақланади. Ўшанда мен институтда таълим олардим, ёзувчи эса Кубада ишлаётганди. Кубалик дўстларим сценарийни унга кўрсатишган ва унинг озгина тузатишлари асосида фильм ишлаган.

— Ўзингиз суратга олаётган бадийи фильмларда нега иштирок этмайсиз?

— Ўзим роль ўйнашни истамайман, чунки бунинг менга қизиғи йўқ.

— Бу вақтингизда нима иш билан машғул бўласиз?

— Айни кунларда умуман бўш вақтим йўқ. Иш вақтим чегараланмаган. Шундоғам тонг саҳарда уйдан кетиб кўп ботганда қайтаман. Айни кунда кечқурунлари «Домла» видеофильмининг монтаж ишлари билан банд бўлаётиман. Агар (қани эди!) бўш қолсам индамасдан телевизор тағида бирон беш соат мобайнида қумирла-масдан томоша қилардим.

— Ўйда бу аёлларнинг иши, бу эркекларники деб вазифаларни бўласизми? Кўпгина оилаларда бу ҳолатга кўп эътибор беришадилар...

— Йўқ. Ҳамма ишни қилиб кетавераман. Таом тайёрлашми, кир ювишми, дашмолашми — фарқи йўқ. Аёлим фақатгина уй юмушлари билан банд бўлиб қолишини истамайман ва мен бу ишларни бажаришимни ҳеч қачон ёр-биродарларимдан ҳам яширмаганман.

— Қайси таомни ҳуш қўрасиз?

— Таомлар ичида қовурилган балиқни суйиб истеъмол қиламан. Москвада ўқиб, яшаб юрган кезларим уйга қайтган 3-4 кунгача фақат сомса ердим. Бухоронинг Олот деган туманида шундай зўр сомса пиширишадилар, бунқасини бирон жойда татиб кўрмадим.

— Агар радио тўлқинидан сизнинг талабингизга кўра қўшиқ эшиттирилмоқчи бўлса, қайси санъаткор хонинини тинлаган бўлир эдингиз?

— Мамўржон Узоқовнинг ҳамма қўшиқларини бирдай севаман. Ҳатто «Домла»дан бундан фойдаландим ҳам.

— Рангтасвирга қандай қарайсиз? Кейинги пайтда бирон-бир расмлар кўргазмасига бордингизми?

— Италия расмси Жоттонинг асарларидан кўп бора қайратга тушганман. Охири марта Наврўзга бағишланган кўргазмани томоша қилгандим.

— Оила аъзоларингиз билан оқшомхонларни таништирамангиз.

— Рафидан Лолаҳон юрест, ўғлим Эркинжон ҳозирча бочка тарбияланувчиси.

— Ижодий ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз.

Сўхбатдош
Маймура НАБИЕВА.

СУРАТДА: Юсуф Розиков (чапдан биринчи)
«Қора мушук нибобиди» фильмининг суратга олиш пайтида.

Саховат

«КАМОЛОТ» ҲИММАТИ

Ҳамза туманида яшовчи Александр Чамияшвилининг ҳарбий хизмат даври машҳур Чернобил фалокати юз берган вақтга тўғри келди. Халокат ўчоғида ишлаб, Тошкентга қайтган, унда жоҳондан қорхонасида узоқ ишлаш насиб этмади. Оғир ҳасталик уни тўшаққа михлаб қўйди. Бемор учун ҳаётда биргина тиркач бор — меҳр-шафқат. Нафақадор онасининг қарамоғидаги Александр учун ногиронлар аравачасини олиш аризон бўлиб келаётган эди. Ниҳоят, «Камолот»

жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими 1-гуруҳ ногиронига саховат кўрсатиб, унга Германияда ишлаб чиқарилган ногиронлар аравачасини совға қилди. — Қарамогимизда шаҳар бўйича 20 нафарга яқин оғир хаста ногиронлар бор, — дейди Тошкент шаҳар Чернобилчилар жамиятининг раиси Георгий Ким. — «Камолот»нинг бегараз эҳсони уларнинг дардидаги энгиллик бахш этади. Ёшлар ташкилотининг бундай ғамхўрлигидан миннатдоримиз.

Бехзод ЭҒАМОВ.

Бизнинг ҳаётимизга таъсир этиб ҳар он Ватан туйғусини эслатиб турувчи, унинг меҳр-муҳаббатини юракларга сингдирувчи, ҳимоясини муқаддас бурч эканини англатувчи, тупроғини гуллашига чорловчи, ифтихор нашидасини уйғотувчи маънавий қудрат қўшиқдир.

Ўйласам ўйимдан боллар томади,

Боллари баҳорни соғинган диёр.

Меҳрим бешигиде куй тўлғонади,

Менинг ҳам айтажак қўшиқларим бор.

Қўшиқ ҳар лаҳза инсонга йўлдош, руҳиятнинг озуқаси, қалбнинг қувватидир. Бизнинг энг покиза ҳиссиётларимиз, устивор туйғуларимиз унда ўз ифодасини топтоғи керак. Ўтган йили бўлиб ўтган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танлови халқимиз орасидан кўплаб истеъдодларни кашф этди. Улар ижро этган Ватан ҳақидаги жарангдор қўшиқларни радио-телевидение орқали эшитганимизда беихтиёр тўлқинланиб кетасан.

Ўтган йилги улуғвор ва хайрли тадбирнинг давоми сифатида бугунги кун ҳақиқий қўшиқларини яратиш эҳтиёжи кучайди. «Ўзбекистон — қўшиқ байрами» кўрик-танловининг ўтказилиши ана шу улуғ мақсадни кўзда тутган. Тошкент шаҳрида бу байрамга қизгин тайёргарлик кўрилди. Танлов шахримиздаги барча туманларда бир неча босқичда ўтказилиб, ғолиблар шаҳар танловида иштирок этиш учун тавсия этилдилар. Улар орасида оддий ўқувчи ҳам, қўшиқчилик йўлида изланаётган ёш истеъдодлар ҳам бор.

Муқимий номли ўзбек Давлат мусиқали театри биноси бир кун давомида санъат ихлосмандлари ихтиёрига берилди. Бу ерда «Ўзбекистон — қўшиқ байрами» Тошкент шаҳар кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур тадбир ёшлар орасида санъатга, айниқса, она-Ватани мадҳ этишга бўлган иштиёқ ниҳоятда самимийлиги билан аҳамиятлидир. Номлари кўпчиликка ҳали таниш бўлмаган ўнлаб ёш ижрочилар тадбирнинг ўзига хос кашфиёти бўлди. Танлов — ўз номи билан танлов! Шу кун таникли бастакор, Республика бастакорлар уюшмаси раисининг ўринбосари Ҳабибулло Раҳимов бошчилигидаги ҳайъат аъзолари ғолиблар ва совриндорларни аниқладилар. Уларга дипломлар ва пул мукофотлари, қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Аввал хабар берганимиздек, танлов якунига кўра Сайфуллаевлар оилавий дастаси хонандаси Жамолхон Сайфуллаевнинг «Ўзбекистон» қўшиғи биринчи ўринга муносиб деб топилди ва у Республика қўшиқ байрамида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди. Иккита иккинчи ўрин — «Саъйи Сайёр» продюссерлик маркази яққоҳон хонандаси Ширин Қурбонова ва 305-лицейнинг биринчи синф ўқувчиси Бехзод Машрабовга берилди.

Учта учинчи ўрин эса Низомий номли педагогика институти хор жамоасига, А.Навоий номидаги маданият уйининг «Дилрабо» халқ ансамбли хонандаси Хуррият Суяровага ва Чилонзор туманидаги «Олло-



Гуруч — дунё аҳолисининг ярминдан кўпи учун асосий овқат масаллиги ҳисобланади. Унинг ватани Осий бўлиб, Ҳиндистон ва Хитойда кенг тарқалган. Шарк ривоятларига қараганда буюк саркарда Искандар Зулқарнайн Ҳиндистонни босиб олганидан сўнг гуручдан қилинган таом унга манзур бўлган. У тўғрайли маҳсулот Бақтрияга, яъни ҳозирги Марказий Осийга келиб қолган. Археолог ва тарихчи олимлар қадимдан Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёлари атрофларидаги пастликларда гуруч етиштириб келинганини қайд қилишадилар.

X-XI асрлардаёқ катта-катта йиғинларда девзира гуручидан палов қилингани, XV асрга келиб у тўй ва маъракаларда энг азиз таом сифатида тортилгани, Абу Али ибн Сино палов ёрдамида қувватсизланиб қолган беморларни даволаб келгани, ҳазрат Навоийнинг устоз Абдураҳмон Жомий вафоти муносабати билан юртга ош бергани тарихдан маълум.

«Ўзбек таомлари» китобининг муаллифи Карим Маҳмудов биринчи бор ўзбек паловининг 50 дан ошмиқ турини ёзиб қолдирган. Узоқ ўтмишда паловни кўпинча ўзига тўқ оилаларда тез-тез тайёрлашга одатланишган, ўртаҳол одамлар ҳурмати меҳмонларга, тўй ва маъракалардаги палов қилишган.

Маълумки, ҳозирги замон кишии бир кунда 2500-3000 калория қувват сарфлаши олимлар томонидан аниқланган. Демак, сарф қилинган қувватнинг ўрнини қоплаш учун шунча калория берувчи овқат тановул қилиш жоиз.

Агар киши ёшлардан бошлаб яхши ва тана эҳтиёжига яраша овқатланишга одатланса, кўп касалликлардан холи бўлади, унинг ишлаш самарадорлиги ошади, танаси таш-



«Ўзбекистон — қўшиқ байрами»

ИСТЕЪДОДЛАР КАШФ ЭТИЛДИ



вуддин» шоу-гуруҳига насиб этди. Ғолиблар ҳамда энг яхши деб топилган бир гуруҳ ижодкор қўшиқчилар раббатлантирувчи мукофотлар билан ҳам тақдирландилар.

Биз жозибали ўтган ушбу кўрик-танлов ҳақида суҳбатлашдик.

◆ Ҳабибулло Раҳимов, ҳайъат раиси:

— «Ўзбекистон — қўшиқ байрами» кўрик-танловининг ўтказилиши ҳар томонлама эзгу иш бўлди. Тинглаган бўлсангиз, қандай ажойиб қўшиқлар дунёга келди. Танловда ҳар хил ёшдаги ижрочилар, яъни мактаб ўқувчилари, маданият уйи ходимлари, талабалар, бир қатор хаваскорлик гуруҳлари ўзлари ёзган янги қўшиқлар билан қатнашди. Бугун санъат гулшанида тиниқ булоқлар пайдо бўлганидан қувондим. Уларга ижодкор сифатида муваффақият тилайман. Яна бир

истагим, келгуси гал бундай тадбирларни ўтказиш жараёнида болаларнинг, мактаб ўқувчиларининг чиқишларини алоҳида ушатириш мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман.

◆ Ширин Қурбонова, танлов совриндори:

— Бундай танловларда ғолиб бўлишни ҳамма хоҳлайди. Лекин менинг «Салом, Тошкент» деб номланган қўшиғим ана шу ғолиблар сафидан жой олишини кутмаган эдим. Ҳозир ҳаяжонимни қандай ифодалашга ҳам ҳайронман. Энди биз ёшлар астойдил меҳнат қилишимиз, элимизга, юртимизга мос чиройли қўшиқлар яратиш устида тинимсиз изланишимиз керак.

◆ Ойхон Ёқубова, Фафур Ғулом номли маданият уйининг фольклор этнография халқ ансамбли бадий раҳбари:

— Санъаткорларимиз ҳеч қачон бугунгидек кўтаринки руҳда, илҳом билан ижод қилмаган эдилар. Танловда ижро этилган барча қўшиқларда Ватан, мустақиллик сўзи бевосита иштирок қилди.

Мен мана шу катта кўрик-танлов баҳона халқ термалари, ялалари, лапарларига ҳам жиддий эътибор берилиб, уларнинг ривожини йўлида хайрли ишлар бошланишини истардим. Бинобарин юртимизда қувноқ қўшиқлар кўпайиб, улар мухлислар орасида кенг тарқалар экан, булар фақат яхшилик аломатидир.

Ниҳоят танлов ниҳояланди. Кимдир қувонган, кимдир ҳаяжонда...

Бу танловда ҳеч ким мағлуб бўлгани йўқ. Чунки, шундай мухташам театр сахнасида туриб айтилган ҳар битта қўшиқ алоҳида яратувчанлик меваси сифатида мағрур жаранглади. Бу жарангли овозлар ҳали кўп янграйди.

Истиқлол кўзлардан, тўқилган алёр,

Кувончим шаршара, оқади дилим.

Темур юрагиде юз очган диёр

Сени Темур руҳи қўласин, элим!

Янги истеъдодлар ва янги қўшиқлар муборак бўлсин, юртим!

Маймура РЎЗИЕВА.

СУРАТЛАРДА: «Ўзбекистон — қўшиқ байрами» шаҳар кўрик-танловидан лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Саломатлик

ОШ — КЎТАРМА БОШ, ЛЕКИН...

сувлар, минерал тузлар, дармондорилар ва бошқа ҳар хил мураккаб органик моддалардан иборат бўлади. Уларнинг бир қисми танада модда алмашинуви вақтида сарфланади ва иссиқлик ҳосил қилади, шунга кўра киши танаси маълум даражада исиб туради. Сарф бўлган бу моддалар ўрнини овқат билан тушган моддалар тўлдирishi зарур.

Катта ёшли одамнинг бир кунда ейдиган таомиди ўртача 100-120 граммгача оқсил бўлиши, бу оқсилнинг қарийб 60 фоизи ҳайвонот маҳсулотлари — гўшт, сүт, маҳсулотлари, туҳумдан ташкил топиши зарур. Ёр маҳсулотларини асоси сугдан олинган ва ўсимлик ёғларидан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир. Қорамол ёғи оғир овқат ҳисобланади, шунинг учун у кийин ҳазм бўлади. Карбонсувлар оқсил ва ёғларга нисбатан 4 баробар кўп бў-

либ, 400-450 граммни ташкил қилади. Уларни янги сабзавот ва мевалар ҳисобига тўлдирish лозим. Шу гуруҳга кирувчи-шакар, бошқа ширилиқларни керагидан ортиқ истеъмол қилиш тана семиртиб кетишига олиб келиши мумкин. Нон ва нон маҳсулотлари, макарон, ундан тайёрланган таомларни ортиқча тановул қилиш ҳам тана вазнининг ортишига сабаб бўлади. Торт, бошқа пишириқларни, музқаймоқларни ҳам кўп ейиш танани оғирлаштиради.

Меъёр масаласига келганда бир кунда 4 мартаба овқатланиш фойдалидир. Иссиқ иқлим шароитида ёғли таомларни (думбали палов, сомсалар) керагидан ортиқ истеъмол қилиш киши саломатлигига катта зарар келтиради. Кундалик овқат таркибида 20-25 грамм ўсимлик ёғи бўлиши фойдалидир, чунки унда яхши ўзлаштирила-диган ва ҳазм бўладиган тўйинмаган ёғ кислоталари кўп. Ўзбекистон аҳолиси ёғли пайтда овқатнинг кўп қисmini кечқурун, салқин тушганда ейишга ўрганиб қолган. Чунки кун жуда исиб кетганида иштакча пасаяди, меъда шириси анча кам ажралади ва унинг ҳазм қилиш кучи су-саяди.

Сўнгги пайтларда аҳоли ўртасида айрим оилаларда бир ҳафтада 2-3 мартаба палов тайёрлаш оммавийла-либ бормоқда. Бир кишига мўлжалланган паловда 148 грамм оқсил, 323 грамм ёғ, 790 грамм карбонсувлар, жами 6853 калория бор. Бу қувват катта одамнинг кун давомида сарф қилиши мумкин бўлган қувватдан икки мартаба кўп. Демак, айрим кишиларнинг ҳафта давомида 4-5 ва ундан ортиқ марта палов тановул қилишлари семиртиб кетишга ва турли хил касалликларга эрта чалини-шига олиб келиши мумкин. Меъёрида овқатланиш сало-матлик гаровидир.

Абдулхалил ТОҲИРИЙ.

Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти соғлом турмуш тарзи кафедрасининг катта ўқитувчиси.

ПОРТЛОВЧИ «ДОРИ»
ТАРИХИ

Ёши ўтиб қолган ёки юраги хасталанган кишилар нитроглицеринни яхши билишади. Асли таркиби портловчи модда бўлган бу препаратнинг ярим миллиграмми юрак сиқилишини тезгина йўқотади, кишини тинчлантиради. Кўпчилик нитроглицеринни (глицериннинг уч нитратли бирикмаси) Альфред Нобель яратган дейишади. Аслида эса уни италиялик кимёгар А. Соберо 1847 йили синтез қилиб олганди. Уша йили Нобель энциклопедияга 14 ёшга кирган эди. Ун тўқ-

қизинчи аср ўрталарида нитроглицеринни «портловчи мой» деб аташди. Бунинг боиси унинг жўхори ёки зайтун мойига жуда ўхшашлиги, ранги, қуюқ-суяқлиги ва бошқа кўринишларининг яқинлиги ҳам эди. Нитроглицериннинг самарали дори сифатида амалиётга киргунча жуда кўпчилик олимлар у билан амалий тажрибалар ўтказганлар. Франциялик олим Шампион, рус олими Н.Н.Зинин, рус зоёбети В.Ф.Петрушевскийлар нитроглицерин асосида ётувчи динамит хоссалари билан қизиқдилар. Аммо нитроглицеринни фармацевтик препарат ҳолига келтиргунча жуда кўп меҳнат

Ф а н

қилган ва уни амалиётга киритган киши бўлиб Альфред Нобель хизмат қилди.

КЕПАЖАКНИНГ БУЮК ЭНЕРГИЯСИ

Йигирма биринчи асрни водород энергетикаси асри бўлади, дейишмоқда олимлар. Водороднинг икки изотопи ҳисобланган дейтерий билан тритийлар ядролари қўшилганда уран ёки плутоний ядролари қўшилгандагидан ҳам ортиқроқ энергия ажралиши мумкинлиги амалда исботланган. Водород

маълум ёнилғилар ичида энг юқори калорияга эгадир. Бир килограмм водород ёнганда 117500 киложул энергия ажралиб, бу нефть ва нефть маҳсулотлариникидан уч баравар, тошқўмирникидан тахминан тўрт баравар юқоридир. Яна бир мисол келтирамиз. Керосинни суюқ кислород билан муҳассамлаштирилганда солиштирма импульс миқдори 320 импультни ташкил этса, бунда керосин ўрнига водород ишлатилганда солиштирма импульс сони 450 гача кўтарилади. Суюқ водород билан фтор муҳассамлаштирилганда солиштирма импульс сони янада кўтарилади. Бир литр водороднинг оғирлиги ҳаммаси бў-

либ 70 граммни ташкил этишини ва сувдан камда ўн беш баравар енгил эканлиги ҳисобга олинса, унинг истиқболли ёнилғилардан бири эканлиги яққол кўринади. Ҳозирги вақтда водороддан ёнилғи сифатида ракеталар, баъзи автомобиллар ва двигателларда фойдаланила бошланди. Термоядровий синтезлардан фойдаланиб узок-узок сайёраларга учиб мулжалланмоқда. Қаттиқ водород, металл водород ва яна бошқа хиллардаги водород кўринишларидан келажақда фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Қудрат АХМЕДОВ,
кимёгар.

Яқинда ишга кетаётсам, метродаги тиккиликда бир одамнинг шикоятимизга нозик овози қулоғимга чалинди:

— Во-ей, намуна тиккиликсиз? Одамнинг етим қовурғасини синдириб юборай дейсиз-а, ўргулай! Нарироқ сурили!

Негадир бу овоз таниш туюлиб, беихтиёр ўша томонга қарадим. Бошига оқ дўппи кийган жиккаккина одам кўзимга иссиқ кўринди. Дарров таниёлмадим. Ким эди-я? Шу пайт унинг ўзи мен томонга тикилиб, оғзи тўла тилла тишини ярақлатиб жилмайди:

— Сultonмисан, ўртоқжон?

Мен кўпчиликнинг ичида у билан қаттиқ овоз чиқариб сўзлашганини эп қўймай, «ха» дегандай бошимни қимирлатиб, аста у томон сурилиб, яқинлашдим. «Ха, ўша, — дедим ўзимча. — Анжир нусха сарғиш башарасини ажин босгани билан овози, хатти-харақати қилча ҳам ўзгармаган».

— Кўзимга оловдай кўриниб кетдинг-эй, ўртоқжон! Қани энди тиккилик бўлмаса, бир аччюласам! — қилганлаб қўлди у.

— Ҳечқиси йўқ, — дедим кў-

неча йил оилавий борди-келди қилиб юрдик, тузилган жияларимга балодай тоға ҳам бўлиб қолувдим. Кейин ўртада нима жин урди, кўз тегдими, билмадим, орамизга қора мушук оралаб, гап-сўзсиз узоклашиб кетдик. Эшитишимча қизларнинг эрларини жияларим менга яқин бўлишга ор қилишган эмиш! Во-ей, ор қилсанлар отамдан нари! — дедим мен ҳам чапакдай жаҳлим чиқиб. — Шу бошим билан тўрт ўйил, уч қиз кўрдим, қуда-андали бўлдим. Дан-гиллама иморат солдим, машина сотиб олдим, қозон-қозон ош дамлаб, катта тўйлар қилдим. Битта эркак бўлса, менчалик бўлар! Бо худо, сенлардақа кўзини ёғ босган, димоғдорларни худо кўтарсин!» — деб, ҳаммаси билан пўм қилдим. Тўғри қилибманми? Вой ўлай, гап билан овора бўлиб, тушадиган жойимдан ўтиб кетай дебман, — деди у ўзига хос нозу қарашма билан даврашаркан. Кейин иккита катта юк халтасини аранг кўтариб, метронинг «Алишер Навоий» бекатида тушиб қолди.

Мен унинг гап-сўзлари, хатти-харақати, қилқилларини кузатар

ЮМШОҚ СУПУРГИ

(Ҳажвия)

ришиш учун қўл узатарканман.

— Во-ей, кўлинг қурсин-ей мунча қаттиқ! Худди оғирнинг ўзи-я! — деди у хиринглаб бўшаган қўлини ҳавода силкитиб.

— Сеннинг кўлинг эса, момикдай юмшоқ ва нозиккина!

— Вой ўлсин, кўлимнинг юмшоқлиги қоптим, ўртоқжон! Тиккилик, бола-чака ташвиши билан эртаю кеч тинмайман. Тош бўлиб кетди, айланай, тош. Ҳар қалай пул санашга яраб турибди балодай.

— Қанақа пул? — сўрадим ўшмоқчилаб.

— Кўчин-да, ўртоқжон, кўчин! Ҳа, энди омонлик бўлса, киши бошига тушганини кўра бер экан. Бунга қара-я, кўришмаганимизга ҳам ўттиз йилдан ошибди-я! Сен сира ҳам ўзгармабсан. Қош-қўзларинг, юзларинг, қарашларинг ўша-ўша. Мен эса қариб қолдим, ўртоқжон.

— Соқолинг демаса сен ҳам унча ўзгармабсан.

— Энди олма билан ўрик бўлармиди, ўртоқжон, қариймизда. Қуриб кетмагурсок хол ҳам парварши талаб бўлар экан! Ҳар кун бўлмаса ҳам кўнора тараб турмасанг маймунга ўхшаб кетаркансан одам. Ойна олдида ўтириб соқол тарашини кўрсанг.

— Ҳа, энди тошюна олдида жой солиб ётадиган бўлсан-да! Авваллари ҳам ойнага ўч эдинг шеклили. Қўлингдан доим ойна тушмасди.

— Вой, балосан-а, ўртоқжон, балосан! Памятинг ўлгур жуда зўр-а!

— Бозорчи бўлиб кетдим, дегин?

— Шу десанг хотиним сира қўймади-да: «Вой, адаси ойликча қараб, тишинингнинг қирини сўриб ўтирасизми? Ётиб ёганга тоғ ҳам қидаямиди. Қизимизни ўзатишимиз керак, кенжа ўғлимизнинг ҳам бўйи қўзилди қолди. Сиз ҳадеб уйда неваро боқиб, қозон-товок билан ўралашиб ўтирмасдан сал-пал ҳаракат қилинг, берака топқурсе». Тижоратчи хотинларга қўшилди хоржика бордим дегин. Ўша томонларда олди-сотида ярайдиган, ялтироқ, шадлироқ нарсалар сероб бўлар экан. Хотинимнинг маслаҳати дуруст бўлган экан. Нозандай бозор пичоги бўлиб қолдим, ўртоқжон.

— Ойна-оғайилларини, э, қизларни қуриб турибсанми?

— Вой ўлсин, уларни очик мазорда қўраманми? Ўқини битирганимиздан кейин ҳаммалари мени бирин-кетин ёлғизлатиб, эрга тегиб кетишди. Авваллари уларнинг эрлари билан танишиб, бир

эканман, ҳаёлимда у билан боғлиқ баъзи латифанам, қизик воқеа, ҳодисалар жонлана бошлади. Билмадим, худо яратётганида унинг хамиртуришини бошқароқ оширганми ёки аёлларнинг тўпироғи билан билмай қорширтворганим, ҳайтовур туғилибдики, табиатда аёлларга хос аломатлар бор эди. Балки бунинг сабаби оилада ёлғиз кенжа ўғил бўлган, тўққиз қиз давралида ўсиб, воёга етгани учундир.

Ҳарқалай опалари даврасида ҳалимдай майин, ипақдай мулоим, ёқимтой бўлиб ўсди. Бирорта эркакдан сўкишга ўхшаш бирор нўжўя сўзми, иборами эшитса, баданига бирдан иссиқ югуриб, юзи, қулоғи лағлағидай қизариб кетарди. Шундай пайтларда у лабини чўчқайтириб, кўзини сузиб: «Ўлинг-е! Одам жуда уялиб кетди!» деб қўярди. У олий ўқув юртига ўқишга кирганида ҳам асосан ўз гуруҳидан талаба қизлар билан олаб-чалоқ ўртоқ туғилиб, борди-келди қиларди. Бу айниқса, талабаларни пахта тери-май ҳашарча сафарбар қилишганида кўзга ташланарди. У гарчи ўғил болалар ётоқхонасида ётиб-турса ҳам деярли уларга қўшилмас, ўлфатчилик қилмасди. Кун бўйи далада қизлар билан бирга бўлар, овқатларини, уларнинг оғир юмушларини енгил қиларди, баъзи кир-чир, йиртиқ-ямонларини ҳам ўзи қўлдан чиқарарди. Хуллас, бундай чаққон, қуйди-пишди, саранжом-саршита йилит бўлажақ қайлиқнинг ноб тоғлимаси, жонининг ҳузур эди, албатта.

Мана орадан ўттиз йилдан ортиқ вақт ўтган, уни ўз кўзим билан кўриб, хатти-харақати, гап-сўзларини кузатиб, яна ҳайратдан ёқа ушладим! Тавба! Бу ҳаётдаги номунасослик, дарди бедавони қарангки, чумолидек беозор, нозиккина, хингачина, тивиб-тинчмас бу кимса бир эмас етти фарзанда ота бўлиб, қўша-қўша келин-қуввлар, неваралар кўрса, дангиллама иморатлар солиб, тирикчилик, уй-рўзгор гамида ўзини кун-тун ўтга-қўққа уриб, ҳаракат қилса? Айни пайтда шу ери заминда, осмон остида инсонман деб яшаётган тўрт мучаси соғ, тоғни урса талқон қиладиган барзангидай баъзи эркаклар дангасалик, танбаллик дардида мубтало бўлиб, оила ташвишларини бутунлай хотинларимизга юклаб, ўзлари қуруқ сават қўлиб, боқиманда бўлиб юришса? Буларнинг қайси бири ҳақиқий эркак, қайси бири юмшоқ супурги — тушуна олмадим, ўлай агар.

Искандар РАҲМОН.



Чой дам-лашининг ҳам ўзига яраша сирлари бор, болақай, катта бўлганинда ўргатаман.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Руслан иккинчи марта жиноятга қўл уриб Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани суд ҳайъатининг ҳукми билан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилганди. Бироқ...

Бекорчиликдан зериккан, ланга эйтибдор бермаганди. — Ҳой, тирранча, — деди Руслан В.га, — ҳозирок ойининг хонасига кириб тилла тақинчоқларини олиб чиқ. Акс ҳолда кундан кунга кўнларини кўрсатиб қўйишни таъкидлади-да, залга кириб кетди.

Кўзи қонга тўлиб ваҳшийлашган Руслан қизалоқнинг номусига тажовуз қилишга уринди. Ҳозир урилган шапалоқ, биқинига қўйилган мушт зарбидан қизалоқнинг нафаси ичига тушиб кетди. Газанда қизчани беномус қилиб, қочиб қайтаётганди. Сал бўлмаса ўзига урилай деб ёнгинасидан ўтиб пастга томон чопиб тушган йигитчани қўриб ҳайрон бўлди. Хонадонига кирган эса ҳаммаёқ остин-устин бўлиб кетганидан ҳунук воқеа юз берганини сездим. Бир неча дақиқа ўтган эса воқеадан хабар топиб ҳушини йўқотди...

Тошкент шаҳар суди ҳайъати мажлисида судья Дилбар Ибодова раислигида бу жиноий иш қўриб чиқилиб, 17 ёшли Руслан Шакуровни Бўстонлиқ тумани судининг тайин этган жазо муддатини ўталмай қолган қисминини қўриш йўли билан мол-мулк мусодара қилиниб, 14 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Холмуҳаммад МҲДИНОВ.

ГАЗАНДА

ҲУКМ

нингни кўрсатаман. Уқдингми?

— Йўқ, ундай қилолмайман, — деди В.

— Ҳали шунақами? Мана бўлмаса!

Руслан боланинг юзига кетма-кет мушт туширди. Сўнгра қўлидаги пичоқни В.нинг гоҳ қўрагига, гоҳ томоғига тираб, айтганимга кўнмасанг у дунёга равона қилиб юбораман, дея сўқиниб, дуч келган жойига пичоқ учини қадади.

— Руслан, қўй, ундай қилмагин, — илтимос қилди шериги.

— Вей бола! Сен ҳали унинг тарафдамсан? Мана сенга!

Руслан ўз шеригини аяб ўтирмай ахшилаб мушт билан сийлаб, буюрди: — Қани бор, ош-

хонадаги мусика товушини ба-

шларни менсимай, кўчадан ўтадиганларнинг жигига тегиб, «тош» отадиган одат чиқарди. Охири ўз акаси, жигарбанди Сергейни кайф устида пичоқлаб ўлдирди.

Шунча қилмишларни қила туриб, багритиш ука гўё ҳеч нарса билмагандек ўз

« 0 2 »

ҳамишчалари билан «ўлфатчилик»ни давом эттирарди. Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармаси ходимлари сайъ-харақатлари натижасида қотил Б.Константин қўлга олинди.

ФИРИБГАРНИНГ
НАЙРАНГИ

Енгил-елпи пул топиб бойвачча бўлган Рустам исмли йигит кўпчиликни қақшатиб, кўз ёшини тўкиб, сенга уни тўғрилаб бераман, бунга тўғрилаб бераман дея фирибгарлик йўли билан бойлик орттира бошлади. «Кўза кунда эмас, кундада синади» деганларидек бу ишбилармоннинг «бизнеси» узокқа бормади. Тошкент вилояти, Зангиота туманида истиқомат қилувчи фуқаро С.Тўлагановани ёл-


гон ваъдалар билан сийлаб 80.000 сўм пулини олиб кетмоқчи бўлганида фирибгар тузоққа илинди.

ҚҲНИДАН
ТУКИПДИ

Уйда ўтириш жонига теккан Ф.Аббасов болаларига панд-насихат бериш ўрнига шайтон васвасасига учиб, Абай кўчасида жойлашган 37-мактаб ошхона омборхонасидан озик-овқат маҳсулотларидан ўғирлашга қиради.

Озик-овқат сақланадиган омборга томдан тушиб, кўтаришга қўриб етгунча 10 килограмм гўшт, 10 дона олما шарбати, 6 килограмм пахта ёғи олиб уйига қўйни «тўлиб-тошиб» боради, уларни оила аъзоларига сездирмасдан ошхонасига секин жойлайди. Содир этилган воқеадан хабардор бўлган Шайхонтохур тумани ички ишлар бўлими ходимлари ўғрининг шахсини аниқлашга киришди. Кўп ўтмай ашёвий далиллар билан Ф.Аббасов қўлга олинди.

Боймурза ҚҲЛЖОНОВ,
Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ходими.



Қаранг ойи, ювошгина экан.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРAT
ХАБАРЛАРИ
ВА ЭЪЛОНЛАР

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қўтовларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон:

33-28-95.

Факс: (3712) 33-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ,
32-УЙ, 2-КАВАТ, 202, 202-«а»,
206-ХОНАЛАР.

**БОЛАЛАРГА
МАҚСАДЛИ
ОМОНAT**

ҚҲИШ ота-оналарга болаларнинг никоҳига етарли маблағни жамғаришга ёрдам беради, мустақил ҳаёт бошлашга қўмаклашади.

Бу омонат 16 ёшгача бўлган болаларга ўн йиллик муддати билан қариндошчилик муносабатидан қатъи назар қабул қилинади.

Омонат сақланаётганига 10 йил бўлганда ва бола 16 ёшга тулганда, фойда йилига 40 фоиз ҳисобидан тўланади.

Қўшимча тўловлар хоҳлаган миқдорда нақд пул билан ҳам, нақд пулсиз ҳам қабул қилинади.

МАҚСАДЛИ ОМОНAT — БОЛАНИНГ МУСТАҚИЛ ҲАЁТДАГИ БИРИНЧИ ҚАДАМИ!

Тел. 45-66-43, 45-35-44.

Тошкент шаҳар Халқ банки бошқармаси.

**ОЧИК ТУРДАГИ «А.ИБРОҲИМОВ НОМЛИ
ТОШКЕНТ ЧИННИ ЗАВОДИ»
ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИОНЕРЛАРИ ДИКТАТИГА!**

1997 йил 25 июнь кун соат 15.00 да қорхона мажлислар залида акционерлар умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сағбон 30-боши берк кўча, 8-уй.

КУН ТАРТИБИ:

1. Хиссасдорлик жамиятининг 1996 йил фаолият натижалари ва 1997 йил вазифалари.
2. Жамиятнинг молиявий-ҳўжалик фаолияти ҳисоботи.
3. Жамият тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг янги тахрирдаги ва бошқарув идоралари ҳақидаги Низомларини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг бошқарув идораларига янги аъзоларни сайлаш.
6. Турли масалалар.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Чилонзор туман халқ таълими бўлими ва 200-мактаб жамоаси шу мактабнинг олий тоифали жисмоний тарбия ўқитувчиси **Жўрабой УРАЛБОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласига чўқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ХОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 33-29-70;
эълонлар: 33-28-95,
33-08-74, 36-57-65.
факс: (3712) 33-29-09.

Душанба, горшанба
ва ҳуна
қўнлари чиқади.
Нашир қўрсаткичи
64690

Наширни етказиб бериш
масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимига
ёки «Тошкент почтаси»га
33-74-05 телефонига мурожаат
қилишнинг мумкин.